

Мусофирнинг намози | Фикҳ дарслари (245-дарс)



19:00 / 01.09.2023 10883

تَوَيْبَ قَرَأَ نَمُ رُفَاسُ مَلَا
ةَ ثَالَثَ ةَ فَاَسَمَ اِدِصَاقِ وِدَلَب
رِيَسَب ، اَهِيَلَايَلَوِ مَّايَا
لِبِإِلَا رَاسَ امَ وُؤَ وِ طَسَو

رَاسِ أَمْرٍ رَحَبُ لَأِي فَو، لُجَّارِ لَأَو
أَمَو، حَيَّرِ لَأَلَدَتُّعَا إِذِ كُفُّ لَأَو
رُصُقَيَّ فِ، لَبَجُّ لَأَبُ قَيَّ لَي
هُدَلَبُ لُخُدَيُّ نَأِ يَلِ إِيَّعَابُ رَأِ
رُهُشِ فُصْنِ نَمَاقِ إِيُونَيُّ وَأُ
يُدِحُّ أَوِةً يَرَقُّ وَأِةً دَلَبِ ب
يُيُّ أَبِخِ وَهُوَ أَنْ رَادِءَ أَرْحِ صَبَو
يُغَبُّ لَأَلُهُ أُوَأُ، بَرْخُ لَأِرَادِ بِ أَلِ
هُتُّ كَمَ لَأَطُّ نَمَكُ، أَرْصِ أْخُمُ
دَعَقُو مَمَتَأُ وَلَفِ، يُّةً يِنِ أَلِ بِ
ءَاسَأُو هُضُرَفُ مَمَتِ، يَلِ وُأَلِ أِ
دُعُقَيُّ مَمَلُ نَأِو، لُفَنِ دَأَزِ أَمَو
هُضُرَفِ لَطَبِ

ي ف م ي ق م ه م أ ر ف أ س م
ه م و ي أ ل ه ذ ع ب و م ت ي ت ق و ل ا
ي ف و ه و أ د ت ق ا ل ط ب ه م أ و ل و
ر ص ق و م ي ق م ل ا م ت أ ه س ك ع
أ ب د ن أ ل ي أ ق ر ف أ س م ل ا
ي ن إ ف م ك ت أ ل ص ا و م ت أ
ر ف أ س م

ي ل ص أ ل ا ن ط و ل ا ل ط ب ي و
ن ط و و ر ف س ل ا ل ه ل ث م
ر ف س ل ا و ه ل ث م ه م أ ق إ ل ا
أ ل ه د ض و ر ف س ل ا و ي ل ص أ ل ا و
ر ف س و ه ت ي أ ف ل ا ن أ ر ي ع ي
ي ف ه ر ي ع ك ه ي ص ع م ل ا

صَحْرًا

Мусофир ўз юртининг уйларидан уч куну уч кечалик масофани қасд қилиб ажраган одамдир. Ўртача юриш ила. У қуруқликда туянинг ва пиёданинг юришидир. Денгизда эса кеманинг шамол мўътадил бўлгандаги юришидир. Тоғда эса ўзига муносиб юришдир.

Бас, у то ўз юртига қайтиб киргунча ёки бир шаҳар ёки қишлоқда ёхуд кўчманчи бўлса, диёримиздаги саҳрода ярим ой туришни ният қилгунча, тўрт рақъатли (фарз) намозларни қаср қилади.

Дорул ҳарбда ёки боғийларнинг қамалида қолган бўлса, ундай эмас. Унда ниятсиз туриши чўзилиб кетган одамга ўхшайди.

Агар у қаъдаи аввалга ўтириб, тўлиқ ўқиса, фарзи тугал бўлади, аммо яхши қилмаган бўлади. Зиёда бўлгани нафлга ўтади. Агар қаъдаи аввалга ўтирмаса, фарзи ботил бўлади.

Қай бир мусофирга вақтли намозда муқим имом бўлса, намозни тўлиқ ўқийди. Вақт ўтгандан кейин муқим мусофирга имом бўлмайди. Агар у имом бўлса, анинг иқтидоси ботил бўлади. Акси бўлганда, муқим тамомлаб олади.

Мусофир имом бўлса, қаср қилади ва «Намозингизни тугатиб олинг, мен мусофирман», деб айтиши мандуб бўлади.

Аслий ватанни унинг мисли ботил қилади, сафар эмас. Иқома ватанини унинг мисли, сафар ва аслий ватан ботил қилади. Сафар ва унинг зидди қазо намозни ўзгартирмайди. Маъсият сафари рухсатларда бошқаларига ўхшайди.

Аллоҳ таоло сафарда намозни қаср қилиб, тўрт рақъатли фарз намозларни икки рақъат қилиб ўқишни шариатга киритган. Чунки сафарнинг ўзига яраша қийинчиликлари ва машаққатлари бўлади. Сафардаги кишиларга ўша машаққатларни камайтириш учун Аллоҳ таоло меҳрибонлик қилиб, тўрт рақъатли намозларнинг ярмини қисқартириб, енгиллик берган.

Бу ҳолат Аллоҳ таолонинг дини – Ислом осонлик дини эканини, шу билан бир вақтда, намознинг нақадар аҳамиятли ибодат эканини ҳам кўрсатади.

Аллоҳ таолонинг сафарга алоҳида енгил намоз жорий қилиши шунга далил бўлмаса, нимага далил бўлар эди?!

Мусофирнинг намозни қаср қилиб ўқиши Қуръон, Суннат ва Ижмоъ билан собит бўлган.

Умуман, фикҳда «намозни қаср қилиб ўқиш» деганда тўрт ракъатли фарз намозлар кўзда тутилади. Суннат намозларнинг ҳаммаси сафарда ҳам тўлиқ ўқилади.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида:

الصَّلَاةُ مِنْ نَفْسِكُمْ أَنْ جُنَاحٌ عَلَيْكُمْ فَلَيْسَ الْأَرْضُ فِي ضَرْبِكُمْ وَإِذَا

«Ер юзида кезиб юрганингизда намозни қаср қилишингизда сизга гуноҳ йўқ», деган (101-оят).

Яъло ибн Умайя розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Умар ибн Хаттобга:

«Куфр келтирганлар сизга фитна қилишидан хавф қилсангиз, намозни қаср қилишингизда сизга гуноҳ йўқ», дейилган. Одамлар эмин бўлган бўлсалар ҳам-а?!» дедим.

«Мен ҳам сен ажабланган нарсадан ажабланиб, у ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадим. У зот:

«Бу Аллоҳ таоло сизга қилган садақадир. Бас, Унинг садақасини қабул қилинг», дедилар», деди».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Уламолар мусофирнинг тўрт ракъатли намозни қисқа – икки ракъатли қилиб ўқишига ижмоъ қилганлар.

Мусофир учун намозни қаср қилиши азимат[1] бўлиб, ҳукми вожибдир. Унинг учун тўрт ракъатли намозни икки ракъат қилиб ўқиш фарздир. Ундан зиёда қилиш жоиз эмас.

Биз бу масалада ўрганадиган матнларимизда мусофирнинг намозига оид кўпгина ҳукмлар қисқа тарзда баён этилган. Биз уларни атрофлича шарҳ

қилишга ҳаракат қиламиз.

«Сафар» сўзи луғатда масофани кесиб ўтиш маъносини англатади. Лекин ҳар бир сафар ҳам шаръий аҳкомларнинг ўзгаришига сабаб бўлавермайди. Бунинг учун ўзида алоҳида шартларни мужассам қилган сафар бўлиши лозим. Шунинг учун шаръий ҳукмлари ўзгарадиган сафар қиладиган мусофир кимлигини билиб олишимиз лозим бўлади.

Шаръий мусофир бўлган одамга намозни қаср қилиб ўқишга, рўза тутмасликка рухсат берилади. У маҳсига уч кечаю кундуз масҳ тортади ҳамда жума, ийд намозлари ва қурбонлик қилиш ундан соқит бўлади.

Хўш, ўша мусофир ким ўзи? Бу саволга жавоб қуйидагича:

Мусофир ўз юртининг уйларидан уч куну уч кечалик масофани қасд қилиб ажраган одамдир.

«Ўз юртининг уйлари» деганда шаҳарнинг четидаги уйлар кўзда тутилади. Мусофир қайси йўналишда кетаётган бўлса, ўша тарафдаги охириги уйдан ажраганда мусофирлик бошланади. Агар шаҳарга туташган қишлоқ бўлса, ўша қишлоқдан ўтгандан кейин мусофирлик бошланади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.

[1] «Азимат» сўзи луғатда «бир нарсага қатъий қарор қилмоқ ва уни бажаришга бор кучи билан интилмоқ» деган маънони беради. Шариат истилоҳида эса шаръий амр ва наҳйиларни ҳеч қандай узрли сабабларга эътибор бермасдан асл шаклида адо қилмоқ «азимат» дейилади.